



Юрт тараққиёти йўлида бирлашайлик!

Ishonch

...Вақтни «эссиз»,
«қанийди», «кошкийди»лар
билан ўтказган кишининг
умри энг қисқа умр экан.
Нажмиддин Кубро

2020 йил 18 июнь • пайшанба • № 65 (4350)

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси нашри • Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган • www.ishonch.uz • e-mail: xatlar@ishonch-doverie.uz

Анжуман

ОДАМ САВДОСИ ВА МАЖБУРИЙ МЕХНАТ: МУАММО ВА ЕЧИМЛАР

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясида Одам савдосига ва мажбурий меҳнатга қарши курашиш миллий комиссиясининг видеоконференцалоқа мажлиси бўлиб ўтди. Унда комиссия аъзолари, тегишли вазирлик ва идоралар мутасаддилари иштирок этди. Мажлисни Олий Мажлис Сенати раиси, Одам савдосига ва мажбурий меҳнатга қарши курашиш миллий комиссияси раиси Танзила Норбоева бошқарди.



Мажлисида комиссиянинг ўтган йил давомида амалга оширган ишлари ва келгусидаги вазифалар муҳокама қилинди. Таъкидланишича, комиссиянинг 2019 йилда пахта йиғим-терими даврида ўтказган мониторингига Мудофаа, Ички ишлар ҳамда Фавқулодда вазирлик вазирилик хизматчилари ва ҳарбий таълим курсантлари пахта теримига мажбурий тарзда жалб этилгани аниқланган. Касаба уюшмалари Федерацияси ўтказган мониторингига 3895 нафар шахс пахта теримига мажбурий тарзда жалб қилингани аниқланган – шундан 700 нафарини ҳарбийлар ташкил қилади. Мажбурий меҳнатга жалб

этиш ҳолатларининг вақти-вақти билан кузатилиши жамиятимизда ҳуқуқий саводхонликни оширишни тақозо этади. Чунончи, бугунги кунда айрим маҳаллий ҳокимликлар, вазирлик ва идоралар ҳамда уларнинг қўйи тузилмалари раҳбарлари ходимларни ўз функционал вазифасига кирмайдиган ишларга жалб қилиши ҳам бунга жиддий ёндашиш зарурлигини кўрсатади.

Мажлисида бюджет ташкилотларида ишловчи ходимларни ободонлаштириш ишларига жалб этиш ҳолатлари кўп кузатилиши айтиб ўтилди.



Зоминда завқли ёз

Бир гуруҳ сирдарёлик болажонлар Жиззах вилояти Зомин туманидаги «Истиқлол» болалар соғломлаштириш оромгоҳида бепоул дам олмоқда.



Ҳомиджон ИШМАТБЕКОВ:

АСРИЙ ЎЙЛАР ЕЧИМИ

Пандемия тартибга солган
ихчам тўйлар анъанаси
давом этиши керак

Тўйларни, турли маросим ва тадбирларни ортиқча дабдабозликсиз, ихчамгина ўтказиш кеча ё бугун кўтарилган масала эмас. Бу ҳақда кўп айтилган, кўп ёзилган. Ҳаттоки, бундан бир аср бурун ҳам жадидчилар тўйлар ҳақида бонг уришган. Аммо ўша вақтда ҳам, ҳозирги кунда ҳам одамларни дабдабозликдан қайтариш муаммо бўлган. Айтиш мумкинки, ўтган вақт мобайнида тўйларни «кимўзар»га ўтказиш кўпайса-кўпайдики, лекин асло камаймади. Кейинги йилларда ушбу муаммога давлат миқёсида эътибор берилиб, бир нечта муҳим ҳужжатлар қабул қилинса-да, одамларнинг тўйлар ҳақидаги фикр ва муносабатини ўзгартириш қийин кечаётган эди. Қарангки, шунча сазъ-ҳаракатлар би-

лан тартибга солинмаган тўйлар корона-вирус пандемияси сабабли тартибга тушди-қўйди. Ҳўш, одамларнинг бугунги тўйларга муносабати қандай? Тўйларни исрофгарчиликсиз, камхарж қилиб ўтказиш ҳақида муқаддас динимизда нималар дейилган? Ихчамгина, кам сонли иштирокчилар билан ўтаётган тўйлар карантиндан кейин ҳам давом этадими? Ўзбекистон мусулмонлари идораси раисининг биринчи ўринбосари Ҳомиджон Ишматбеков билан қилинган суҳбатда юқоридаги каби бир қатор саволларга жавоб олинди. Ўйлаймизки, Ҳомиджон Ишматбековнинг таҳририятимиз саволларига берган жавоблари ҳам юқоридаги сўровномага муносиб муносабат бўла олади.

Ижтимоий тармоқда «30 кишилик тўй маъқулми?» деган мазмунда сўровнома ўтказилибди. Унда иштирок этганларнинг аксарияти ҳозирги ҳолатдаги тўйни маъқуллаган.

UzA | Расмий канал
34 2K подписчиков

UzA | Расмий канал
#СЎРОВНОМА

100 КИШИДАН 63 ТАСИ
30 КИШИЛИК ТЎЙ
ҚИЛИШГА РОЗИ...

СИЗ-ЧИ?... Сиз розимисиз? Фикрингиз биз учун муҳим. Балки кўпчилик фикри қандайдир тамойилларни, қарашларни ўзгартириши мумкин.

Сўровномада қатнашинг!!!
<https://bit.ly/3hx89cb>

Ҳа, розиман	1.8K
Йўқ, рози эмасман	81
Менга фарқи йўқ	60
50 кишилик бўлсин	137
100 кишилик бўлсин	593
200 кишилик бўлсин	142
300 кишилик бўлсин	68
400 кишилик бўлсин	30
500 кишилик бўлсин	28
600 кишилик бўлсин	96

Суҳбатнинг тўлиқ шакли билан


ishonch.uz сайтида

ҳамда газетанинг ижтимоий тармоқлардаги расмий саҳифалари орқали –

<https://t.me/ishonchgzt>

<https://www.facebook.com/ishonchgzt/>

танишишингиз мумкин.



Бугун
матбуотда
ўқинг...

QILA
DAVRASIDA

ТАЖРИБА ВА БИР
ПАРЧА ҚОҒОЗ
Йигирма йиллик ўқитувчи
даврини ким тинглайди?

XISKI


Ўзбекча
реклама қандай
бўлиши керак?

Qishloq hayoti

Беккер Нобель
мукофотини
бекорга олганми?

Mahalla

Ҳў олиш учун
бир умр кредит
тўлаш керакми?



2020 йил 17 июнь кuni мамлакатимизда **189 кишида** коронавирус кайд этилди. Шундан **169 нафари** карантин муассасаларидаги фуқаролар, **13 нафари** аҳоли орасида, қолган **7 нафари** эса халқроқ юк ташувчи автомашини ҳайдовчилари орасида аниқланган. Кун давомида **35 нафар** бекор соғайди.

«Низоларни муқо- бил ҳал этишнинг ме- ханизмларини янада тақомиллаштириш чо- ра-тадбирлари тўғри- сида» Президент қа- рори қабул қилинди.



Олий Мажлис Се- нати кўмиталарида видеоконференс-алоқа шаклидаги мажлислар бўлиб ўтди.



Жорий йилда Прези- дент мактабларига қа- бул имтиҳонлари панде- мия сабабли ўтказилмас- лиги маълум қилинди. Ўқувчилар қабули кел- гуси йилда ўтказилади.



Ўзбекистон Респуб- бликаси сув ҳўжалиги ва- зирлиги Шавкат Ҳамроев ҳамда Швейцария Кон- федерациясининг Ўзбе- кистондаги Фавқулодда ва муҳтор элчиси Оливе Шав Ўзбекистонда сув ресурсларини бошқариш миллий лойиҳаси- нинг 2-босқичи тўғри- сида икки томонлама битимни имзолашди.

Адлия вазирлиги ҳу- зуридаги Интеллектуал мулк агентлиги ҳамда Муаллифлик ва турдош ҳуқуқларни ҳимоя қи- лиш жамияти ўртасида ўзаро ҳамкорлик ме- морандуми имзоланди.



«Euromoney Institutional Investor» томони- дан «Халқаро қарз олувчилар ва облига- ция инвесторлари фо- руми - виртуал 2020» (Global Borrowers & Bond Investors Forum - Virtual 2020) тадбири ташкил этилди.

Шу йилнинг 1 июли- дан 200 ва 500 мўллик қоғоз пуллар муомала- дан чиқарилди.

Бухоро вилояти Шо- фиркон туманида 5 қа- ватли замонавий тиб- биёт муассасаси ку- рилишига тамал тоши қўйилди.



Фарғона вилояти Сўх туманида умумий қий- мати 91,7 миллиард сўм бўлган йирик лойиҳа – «Қайроқ» насос стан- циясининг қурилиши бошланди.

18 июнь кuni барча хоҳловчилар учун «Olympic Day» виртуал югуриш мусобақаси ўтказилди.

ЎЗА хабарлари асосида тайёрланди

«Дўстлик карвони» — МАҚТАРАЛДА



Ўзбекистондан юборилган «Дўстлик карвони»ни олиб борган Ўзбекистон касабаси уюшмалари Федерацияси делегацияси вакили, Жиззах вилояти касабаси уюшмалари ташкилотлари бирлашмаси раиси, сенатор Нусратилла Пардаев қардошлик ва яқин қўшничилик алоқалари ўзбек ва қозоқ халқлари ўртасидаги дўстликнинг асоси экани, бу

Куни кеча Қозоғистон Республикасининг Тўрқистон вилояти, Мақтарал туманига Ўзбекистон касабаси уюшмалари Федерацияси ва Қозоғистон касабаси уюшмалари Федерацияси делегациялари вакиллари ташриф буюриб, «Сардоба» сув омборидаги техноген фалокат оқибатида сув тошқинидан зарар кўрган аҳолига инсонпарварлик ёрдамиди етказди.

алоқалар Ўзбекистон Президенти ташаббуси билан янги босқичга кўтарилганини алоҳида таъкидлади.
— Юртдошларим номидан Ўзбекистон ва Қозоғистон касабаси уюшмаларига ўз миннатдорчилигимни билдираман, — деди қозоғистонлик жамоат арбоби Колен Амирбеков. — Мақтарал тумани аҳолиси Ўзбекистондан юборилган ушбу инсонпарварлик ёрдамидан жуда мамнун бўлди. Ундаги озиқ-овқат маҳсулотлари, ширинликлар, кўрпа-тўшак жиҳозлари, мактаб ўқувчилари учун парталар, интерактив доскалар ва санитария-гигиеник воситалар туман аҳолисининг турмуш шароитларини тиклашда кўмак бўлади.
— Халқимизда «Бирлиги бор элнинг белин ҳеч

ким синдира олмас», деган нақл бор, — деди Қозоғистон касабаси уюшмалари Федерацияси раиси Сатибалди Даулеталин. — Мана шундай шароитда жабр кўрганларни қардош ўзбек халқи ҳам ҳар томонлама қўллаб-қувватлади.

Ўзбекистон ва Қозоғистон касабаси уюшмалари вакиллари сув тошқинидан зарар кўрган ҳудудда олиб борилаётган тиклаш ишлари, аҳоли учун уй-жойлар қурилиши жараёнининг бориши билан танишдилар. Шунингдек, маҳаллий аҳоли ва умумтаълим мактаблари раҳбарлари билан учрашиб, суҳбатлашдилар.

Ўзбекистон касабаси уюшмалари Федерацияси Магбуот хизмати



Илром ҲАСАНОВ олган суратлар

ОДАМ САВДОСИ ВА МАЖБУРИЙ МЕХНАТ: МУАММО ВА ЕЧИМЛАР

41 — Илгари ободонлаштириш ишларига давлат томонидан маблағ ажратилмас, даракт экиш, даракт оқлаш, кўчаларни тозалаш учун пул берилмас эди, — деди Одам савдосига ва мажбурий меҳнатга қарши курашиш миллий комиссияси раиси Танзила Норбоева. — Ҳозир бунинг учун жамоатчилик фонди ташкил этилган. Лекин барибир ўқитувчи, тиббиёт ёки бошқа ходимлар олиб чиқилди. Чунки иш-сизларни бу ишга таълим қилиш учун юриш, маҳалладан аниқлаш керак. Бу эса вақт ва меҳнатни талаб қилади, шундан қочиб, тайёр «хўп бўлади» дейдиган ходимларга кўча суртиришга ўрганиб қолишган. Бундан мутлақо воз кечиш керак.
Биз ҳозир қонунлар устуворлиги замида яшаймиз. Пул берилмаётган бўлса ҳам

майли эди, ҳозир давлат раҳбари пул беряпти, жамғарма доимий равишда давлат бюджети ҳисобидан молиялаштириляпти. Ҳозир маблағ, шароит нуқтаи назаридан муаммо йўқ, фақат ташкиллаштириш керак, холос.
Қайд этилишича, ўтган йилда 220 нафар одам савдоси жабрдийдаларига Республика реабилитация марказида тиббий, психологик ва ҳуқуқий ёрдам кўрсатилиб, уларнинг 112 нафари ишга жойлаштирилган. Иш ҳақини вақтида ололмаётган меҳнат мигрантларининг қарийб 530 минг АҚШ доллар миқдоридаги иш ҳақлари ундириб берилган.
Шундай бўлса-да, одам савдоси билан боғлиқ жиноятларни аниқлаш ва тегишли тартибда жазолаш механизми самарали йўлга қўйилмагани ҳам айтиб ўтилди. Хусусан,

2019 йилда келиб тушган 710 та мурожаатдан атиги 94 таси бўйича жиноий иш очилган.
Комиссиянинг берган маълумотига кўра, ўтган йилда одам савдоси билан боғлиқ жиноятлар 2018 йилга нисбатан камайган, лекин содир этилган бу жиноят орасида чақалоқ савдоси юқориликка эришди.
Шу боис, одам савдосига ва мажбурий меҳнатга қарши курашишга оид қонунчиликни такомиллаштириш, болалар меҳнати ва мажбурий меҳнатга йўл қўйганлик учун жавобгарлик чораларини кучайтириш мақсадида Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги ҳамда Жиноят кодексларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритилди. Халқаро тажрибалар асосида «Одам савдосига қарши курашиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонун янги таҳрирда ишлаб чиқилди. ХМТ ва Халқаро миграция ташкилотининг 6 та Конвенция ҳамда протоколлари ратификация қилинди.
Мажлисда видеоконференцалоқа орқали ҳудудлардаги ҳолат бўйича ҳисоботлар тингланди. Муаммоли вазиятлар муҳокама қилиниб, барча маълумотларни очиқ ва ошкора тарзда оммавий ахборот воситалари билан ҳамкорликда маълум қилиб бориш зарурлиги таъкидланди.



Аъзам АБУЛҲАЙЗОВ, «ISHONCH»




Фарғона вилояти

Ёзги соғломлаштириш

«КИМЁГАР»ДА МАРОҚЛИ ДАМ

«Фарғонаазот» АЖга қарашли «Кимёгар» болалар соғломлаштириш оромгоҳи биринчи навбатдаги 175 нафар ўғил-қизни ўз бағрига қабул қилди. Аини пайтда оромгоҳ ёзги таътилни интизорлик билан кутган болажонларнинг шодон кулгуси билан тўлиб тошган.



Икки мингга яқин китоб фондига эга шинам кутубхона, компьютер, шахмат-шашка, футбол, теннис, рақс, математика, расм каби тўғараклар ўғил-қизларнинг таътилни янада мазмунли ўтишига хизмат қилмоқда. Болажонлар ўртасида ўтказилаётган барча машғулотлар, танловлар, мусобақалар очиқ осмон остида ташкил этилмоқда.
— Мактабдаги ўқишлар эрта тугагани сабаб асосий вақтимизни уйда ўтказдик. Шу сабаб анча пайт дўстларим билан кўриша олмадим, — дейди 4-синфни таомлаган Муҳаммадзоҳид Рустамов. — Оромгоҳда синфдош дўстларимни кўриб, хурсанд бўлиб кетдим. Ҳозир улар билан битта гуруҳдаман. Бу ерда кунимизни мароқли ўтказаямиз.

— Жорий мавсумда қорхона ишчи-ҳодимларининг тўрт навбатда 700 нафар фарзанди дам олади, — дейди оромгоҳ раҳбари Саодатхон Мўминова. — Бу йилги фаолиятимизни каран-

тин талабларига қатъий амал қилган ҳолда ташкил этганмиз. 9 гектардан иборат масканимизда болажонларнинг мириқиб ҳордиқ чиқариши учун барча шароитлар яратилган.

— Оромгоҳга биринчи марта келишим, — дейди Зафаржон Кўчқоров. — Бу ер келиб кўплаб янги дўстлар орттирдим. Аини пайтда дўстларим билан «Бу менинг — Ўзбекистоним» расмлар танловига тайёргарлик кўряпмиз.
Аҳамиятли жиҳати, йўлланмаларнинг ҳамёнбоплиги ота-оналарга маъқул бўлмоқда. Яъни, бу йилги 12 кунлик йўланма нархи бир нафар бола учун 78 минг сўм этиб белгиланган. Бу эса ота-оналар учун яна бир қўлайлик бўлди.
Бу ерда болалар кунига тўрт маҳал тўйимли ва витаминларга бой озиқ-овқатлар билан овқатлантирилади. Таомларнинг сифатига жиддий эътибор қаратилган. Тиббиёт хонасида етарлича дори-дармонлар мавжуд. Ўғил-қизларнинг ҳам ақдан, ҳам жисмонан чиниқилари учун малакали тарбиячилар, етакчилар, спорт мураббийлари жалб қилинган.

Жамшид ЭРГАШЕВ, «ISHONCH»



Бухоро вилояти

Ҳордиқ фойдали ва мазмунли бўлади

Бу йил Бухоро вилоятида шаҳар ташқарисидagi олти оромгоҳ фаолият кўрсатиши, уларда 1575 нафар ўғил-қиз дам олиши кўзда тутилган. Уларда мавсумга тайёргарлик юмушларига алоҳида эътибор қаратилди. Хусусан, оромгоҳларнинг барчасига видеокамералар ўрнатилиб, етарлича пирометрлар, антисептик ва гигиеник воситалар, тиббий ниқоблар ҳамда қўлқоплар етказиб берилди. Мавсум олдидан масканлардаги ётоқхоналар, ошхоналар, сузиш ҳавзалари, спорт майдончалари, тиббиёт хоналари ва бошқа барча бинолар қайта дезинфекция қилинди.

Албатта, карантин шароитида дам олиш ва дам олдириш жараёни иштирокчилардан алоҳида масъулиятни талаб этади. Шу боис оромгоҳларда

вилоят ДСЭНМ ходимларининг кеча-ю кундуз навбатчилик қилиши, масканларнинг кириш эшикларини олдида, ётоқхона ва овқатланиш жойларида ижтимоий масофага риоя этилиши бўйича зарур чора-тадбирлар белгиланди.
Ҳар бир оромгоҳга шу ҳудудга яқин жойлашган поликлиникалар, тиббиёт бирлашмалари ва қишлоқ врачлик пунктлари бириктирилган. Масканларнинг барчасида тиббиёт пункти, тиббиёт ва изолятор хоналари ташкил этилди. Улар шўшинч тиббий ёрдамга мўлжалланган 14 хил ҳамда яна қўшимча 35 хил дори-дармонлар, тури тиббий асбоб-ускуналар билан тўлиқ таъминланди.
Шунингдек, озиқ-овқат маҳсулотлари ва ичимлик суви сифати ҳамда меъёри доимий назоратга олинади. Ҳар кунлик таомнамаларнинг хилма-хиллигига алоҳида эътибор қаратилди. Ўз навбатида,

оромгоҳ ошхоналарида санитария-гигиена талаблари асосида идиш-товоқлар ва бошқа хил ошхона жиҳозлари учун махсус жой ажратилди.
Соғломлаштириш масканларида саломатлик ва хавфсизлик масаласига ҳар йилгидан ҳам жиддий эътибор қаратилганлиги тушунарли, албатта. Зеро, оромгоҳ дам олувчилари ва ходимларининг саломатлиги карантин қоидаларига мувофиқ тўла таъминлансагина, ўғил-қизларнинг мароқли ҳордиқ чиқариши, билим олиши, санъатга, китобга ошно тутиниши, хунар ўрганиши, дўст ортириши, умуман, ёзги таътилни фойдали ҳамда мазмунли ўтказиши учун энг муҳим талаб бажарилган бўлади.

Адолат АКРАМОВА, Бухоро вилояти касабаси уюшмалари ташкилотлари бирлашмасининг Мадааний-маърифий ва спорт ишлари бўлими мудир

Жиззах вилояти

Жиззах вилояти касабани уюшмалари ташкилотлари бирлашмаси томонидан пандемия шароитида руҳсат берилган иқтисодий тармоқлар, корхона ва ташкилотлардан карантин санитария талабларига амал қилиш бўйича жамоатчилик назоратини ташкил этиш мақсадида ишчи гуруҳи тўзилган. Ишчи гуруҳи аъзолари меҳнат жамоаларининг карантин қоидаларига амал қилиши юзасидан мониторинг кузатувлари олиб боради.

Ишчи гуруҳи Жиззах вилоятида карантин қоидаларига қанчалик амал қилинаётгани билан танишиш асосида бепарволик ва боғибегамлиkning гувоҳи бўлди.

Зарбдор тумани кўчалари... Одамларда ҳатто оддий тиббиёт ниқоби ҳам йўқ. Пандемия тартиб-қоидаларининг уларга дахли йўқдек... Ташкилот-у корхоналардаги ва-



зият эса янада ташвишланарли... Туман тиббиёт бирлашмаси дарвозаси қаршисида қатор қурилган дорихона сотувчиларининг масъулиятсизлигини кўриб, таажжубга тушиди. «Музаффар

Ҳожиакбар» хусусий корхонасига қарашли 5-дорихонада миз. Сотувчи дорихона фарроши билан бемалол ниқоб тақмасдан суҳбатлашиб ўтирибди.

«ЯШИЛ ҲУДУД»

бепарволикка йўл дегани эмас

Бу каби санитария қоидаларига амал қилмаслик ҳолатлари «Шаҳризода Мед» хусусий корхонаси, «Аюб-хон инвест» МЧЖ каби қатор дорихоналарда ҳам кузатилди.

Тумандаги банк филиалларидаги ҳолат бундан-да ачинарли. «Микрокредитбанк»нинг Зарбдор тумани биноси олдида мижозлар масофа сақлаш ҳақида уйлашаётгани ҳам йўқ. Бино ичкарасида ишловчи ходимларнинг ҳаммасида ниқоблар мавжуд эмас. Банк кассасида ишловчилар махсус кийим-бош билан таъминланган бўлса-да, фойдаланишмайди.

– Қарийб 15 миллион сўмлик антисептик маҳсулотлар, ходимлар учун махсус кийим-бош олиб келганмиз, – дейди филиал раҳбари Баҳром Раҳматуллаев. – Лекин назорат қилишни унутибмиз. Айбимиз бор... Халқ банкининг туман бўлими ол-

Жамоатчилик назорати

дида ўрнатилган «банкомат»ни одамлар ўраб олишган, гўёки банкомат бир ёққа қочиб кетадигандек. Бақирчақирни айтмас ҳам бўлади. Кимдир уйда боласи йиғлаб қолганини айтса, кимдир уйда касали борлигини сабаб қилиб, тезроқ банкоматдан пул ечиб олишини уйлайди.

– Ишчи гуруҳининг Зарбдор туманида ўтказган тадбири давомида 20 тага яқин корхонанинг қарийб 80 фоизи карантин қоидаларига амал қилмасдан фаолият юритаётгани аниқланди, – дейди Жиззах вилояти касабани уюшмалари ташкилотлари бирлашмасининг меҳнатни муҳофаза қилиш бўлими етакчи мутахассиси Алишер Бурқонов. – Халқимизда «Қарс икки қўлдан чиқади» деган нақл мавжуд. Агарда биз давлат кўраётган чораларни қўллаб-қувватламас эканмиз, қилинаётган шунча ҳаракат, сарфланган шунча маблағлар ўз самарасини бериши душвор.

Муқимбой ИСМОИЛОВ,
«ISHONCH»



«Ishonch»га жавоб берадилар...

Самарқанд вилояти

Ичкарида тартиб, ташқарида эса...

Коронавирусдан касалланиш ҳолатининг аҳоли орасида кўпайиб бораётгани киши кўнглига хавотир, ҳадик солади. Давлатимиз томонидан кўрилатган кескин чора-тадбирларга қарамасдан, бу дарди бедаво нега ари-маяпти? Унинг кундан-кунга авж олиш сабаблари нимада?

Шу саволлар билан Самарқанд шаҳрининг анчайин бўшаб қолган кўчаларига кўз ташлаймиз. Шаҳарнинг энг гавжум манзилларидан бири – Даҳбед кўчаси ҳам анча хувиллаб қолган. Аммо бирикки бинонинг олдида одам кўп. Бу иншоотларнинг бири «Ипак йўли» банкининг Самарқанд филиали бўлса, иккинчиси «Капитал банк» филиали.

Ҳар иккала банк филиалида ҳам карантин тартиб-қоидаларига тўлиқ риоя этилмоқда. Тартиб-интизом ичкарига кираверишда жуда қаттиқ. Барча талаблар ўрнига қўйиб бажаришмоқда. Аммо ташқарида эса бир тўда одам эртароқ ишини битириб олиш учун ҳамма нарсани унутган. Масофа сақлаш деган гапнинг ўзи йўқ.

«Капитал банк» маъмурияти ташқаридаги мижозларга қулайлик яратиш мақсадида ўнлаб курсиларни дов-дарахтлар соясига қўйиб, карантин талабини бажаришга уринаётгани ҳам бор гап. Аммо мижозларда навбатини кўтишга сабр-қаноат етмай қолаётганига гувоҳ бўлдик. Ўнлаб одамлар эшик қопқасини ушлаб турмаси, иши битмай қолаётгандек тутқичга ёпишиб олган.




«Ипак йўли» банки филиали эшиги ёнида пулга навбат кўтиб, карантин тартибига риоя этмаётганларнинг бир қанчасини суҳбатга тортишга уриндик. Муддаомизни англаганларнинг аксари терс бурилиб кетишди.

– Ўйнаб юрганимиз йўқ. Пул зарур. Ола-миз-у кетамиз, – деди ўзини Пайариқ туманидан келганман деб таништирган аёл. – Шу иссиқда мажбур бўлганимиздан турибмиз-да...

Тартибсизликдан оғринсак-да, уларни ҳам тушунишга уриндик. Шунча йўл босиб, беҳуда юрмаганми? Уйга толасан киши. Нега бизда хизмат кўрсатишнинг алмисоқдан қолган услуби ҳеч ўзгармайди? Банкларимиз қачон аънаваний «Мижоз банк учун эмас, банк мижоз учун» шioriга амал қилади. Ёки ҳаммаси хўжакурсин учунми?

– Ҳар бир тизимда ислохот деймиз-у, аксар ҳолларда бу қуруқ гапдан иборат эмасмикан, деб ўйлаб қоласан, – дейди ҳуқуқшунос Улуғбек Ғаниев. – Аслини олганда, пул жўнатмалари ҳам почта жўнатмасидек бир гап. Мижозга битта телефон кўнфироғи билан хабарни етказиш, пластик картасига келган пулни ўтказиб қўйиш мумкин-ку. Тасаввур қилинг, жўнатмани олиш учун банк мижози

Ёхўд хизмат кўрсатишнинг алмисоқдан қолган услуби қачон ўзгаради?



қанча азият чекапти. Қайси бир қишлоқдан чиқиб, қанча йўл босади. Транспорт алмаштирилган-у, сарф-харажатларни қўйверасиз, энди. У битта бўлганида ҳам майли эди... Бу гапга бир нарсани қўша олмадик. Тўғри гап туққанинга ёқмайди, дейишди. Билмадик, бу банкирларга ёқармикан?..

Нурилла ШАМСИЕВ,
«ISHONCH»



СУРАТЛАРДА: Даҳбед кўчасида жойлашган «Ипак йўли» банки Самарқанд филиали ҳамда шу кўча чорраҳасида жойлашган «Капитал банк» филиали эшиги олдидаги 16 июнь кунги манзара тасвирланган.



Камчиликлар бартараф этилади

«Ishonch» газетасининг жорий йил 11 февралдаги сонидан чоп этилган «Қурилишдаги бурилишлар» сарлавҳали мақолага Тошкент вилояти прокуратурасидан кўйилган жавоб хати келди:

Мақолада келтирилган масалалар тегишли мутахассислар жалб этилган ҳолда ўрганиб чиқилди. Виллоят бандлик бошқармаси мутахассисларининг маълумотига кўра, Нурафшон шаҳридаги Тошкент вилояти автомобиль йўллари ҳудудий бош бошқармасининг маъмурий биносида «Экспресс строй» МЧЖ ҳамда кўп қаватли уй-жой биносида «Белтепа мастер строй» МЧЖлар амалга ошираётган қурилиш ишларида меҳнат қонунчилиги ва меҳнат муҳофазаси талаблари бузилган.

Шу сабабли ушбу корхоналар раҳбарларига нисбатан «Маъмурий жавобгарлик тўғрисида»ги кодекснинг 49-моддаси тартибда маъмурий таъсир чораси қўлланилиши бўйича баённомалар расмий-лаштирилиб, ўрганишлар натижаси бўйича корхоналарнинг мансабдор шахслари иштирокида маълумотномалар тўзилди ва ҳар бир қурилиш объектида аниқланган камчиликларни бартараф этилиши бўйича ёзма кўрсатмалар берилди.

Божхона бошқармаси маъмурий биносида бунёдкорлик ишларини амалга ошираётган «Олмос қурилиш инвест» МЧЖ ҳамда «Асака банк» маъмурий биносида қурилиш қилаётган «Бест кастиан сервис» МЧЖларнинг меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича ходимларига меҳнат муҳофазаси ва қурилиш меъёрлари бўйича тушунтиришлар берилди.

А.ҚОРАЕВ,
Тошкент вилояти прокурорининг биринчи ўринбосари, адлия катта маслаҳатчиси



Барчаси назоратга олинди

«Ishonch» газетасининг шу йил 25 февралдаги сонидан «Бепасанд муносабат ва жавобсиз хатлар» сарлавҳали мақола чоп этилган эди. Унда Термиз шаҳридаги қурилиш майдонларида ходимларга яратилган иш ва дам олиш шароитлари, шунингдек, меҳнат муҳофазаси борасидаги аҳвол ўрганилгани, аҳвол қониқарсиз экани баён этилган эди.

Маъмур масала юзасидан Термиз шаҳри ҳокимлигидан кўйилган мазмунда жавоб хати келди:

Ушбу масала Термиз шаҳар ҳокимлигининг sanoatni rivojlantirish, kapital qurilish, kommunikatsiyalar va kommunal xujjalik majmuasida ma'lumot va ijro uchun qabul qilinadi.

Термиз шаҳрида қурилиш-монтаж ишларини амалга ошираётган барча қурилиш ва пудратчи ташкилотлар раҳбарларига қурилиш объектларида қонунчиликда белгиланган талаблар асосида ишчи-ходимларга иш ва дам олиш вақтларида шароит яратиш, меҳнат муҳофазасига қатъий риоя қилиш бўйича топшириқлар берилди ва уларнинг ижроси назоратга олинди.

Ш.РАҲМОНҚУЛОВ,
Термиз шаҳар ҳокимининг ўринбосари

Навоий вилояти

Навобахор туманидаги Учтут қишлоғида узоқ йиллик уч туп тут дарахти бор. Қишлоқ номининг келиб чиқиши ҳам эски йўл бўлидаги ушбу забардаст қадимги тут дарахтлари билан боғлиқ экан.

Ривоятларга кўра, ўтмишда 3 та тут дарахти ниҳоллари султонлар авлодидан бўлиши Зиннатбиби томонидан экилган экан. Бу дарахтлар ҳозирги кунда ҳам бор. Маҳаллий аҳоли ҳамда қўшни вилоятлардан сайёҳлар ушбу асим дарахтни кўриш, қадимий қишлоқни зиёрат қилиш учун тез-тез ташриф буюради.

Сирож АСЛОНОВ
ЎЗА



Учтут ғаройиботлари

Эълонлар

«Тошкент шаҳар Ер тузиш ва кўчмас мулк кадастр хизмати» давлат корхонаси томонидан Эшматов Жаҳонгир Абдуқалимовичга Сергели тумани, Спунчик-16 даҳаси 15-уй, 15-хонадан учун берилган тегишли кадастр ҳужжатлари йўқолгани сабабли бекор қилинади.

Тошкент давлат техника университети томонидан 19.09.2016 йилда Юсуфов Хушнуд Байрамбекович ўғли номига берилган №2648 рақамли рейтинг дафтарида йўқолгани сабабли бекор қилинади.

Хоразм вилояти касабани уюшмалари ташкилотлари бирлашмаси жамоаси бирлашманинг ижтимоий суғурта бўлими мудири Азат Исмоилова падари бузруквори **СОБИРЖОН** отанинг вафоти муносабати билан чуқур ҳамдардик билдиради.

МУАССИС:
O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi
2007 йил 11 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 116-рақам билан рўйхатга олинган.

«Ishonch» ва «Ishonch-Доверие» газеталари таҳрир ҳайъати:

Қудратилла РАФИҚОВ
(таҳрир ҳайъати раиси),

Улуғбек ЖАЛМЕНОВ,
Анвар АБДУМУХТОРОВ,
Сайфулло АҲМЕДОВ,
Акмал САИДОВ,
Равшан БЕДИЛОВ,
Қутлимурот СОБИРОВ,
Сухроб РАФИҚОВ,
Шоқосим ШОИСЛОМОВ,
Ҳамидулла ПИРИМҚУЛОВ,
Нодира КАРИМОВА,
Анвар ҚУЛМУРОДОВ,
(Бош муҳаррирнинг биринчи ўринбосари),

Темур МАМАЖОНОВ,
(Бош муҳаррир ўринбосари – «Ishonch-Доверие» бўйича),

Меҳриддин ШУКУРОВ,
(Масъул котиб – «Ishonch»),
Валентина МАРЦЕНЯК
(Масъул котиб – «Ishonch-Доверие»)

Бош муҳаррир
Ҳусан ЭРМАТОВ

Бўлимлар:
Касабани уюшмалари ҳаёти – (71) 256-64-69
Хўқуқ ва халқаро ҳаёт – (71) 256-52-89
Миллий-маънавий кадрлар ва спорт – (71) 256-82-79
Хатлар ва муҳбирлар билан ишлаш – (71) 256-85-43
Маркетинг ва обуна – (71) 256-87-73

www.ishonch.uz
сайти орқали Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармон ва қарорлари, энг сўнгги янгиликлар, таҳлилий, танқидий мақоалалар, хабарларнинг тўлиқ матни билан танишишингиз мумкин.

Ҳудудлардаги муҳбирлар:
Қорақалпоғистон Республикаси – (+998-99) 889-90-22
Андижон вилояти – (+998-99) 889-90-23
Бухоро вилояти – (+998-99) 889-90-31
Жиззах вилояти – (+998-99) 889-90-34
Наманган вилояти – (+998-99) 889-98-02
Навоий вилояти – (+998-99) 889-90-28
Тошкент вилояти – (+998-99) 889-98-44
Самарқанд вилояти – (+998-99) 889-90-26
Сирдарё вилояти – (+998-99) 889-98-55
Сурхондарё вилояти – (+998-99) 889-90-32
Фарғона вилояти – (+998-99) 889-90-24
Хоразм вилояти – (+998-99) 889-98-01
Қашқадарё вилояти – (+998-99) 889-90-27

«Ishonch»дан олинган маълумотларда манба сифатида газета номи кўрсатилиши шарт.

Муаллифлар фикри таҳририят нуқтан назаридан фарқлиниши мумкин.

Навбатчи муҳаррир:
Ж.Наханов,
А.Абдурахмонов,
Саҳифаловчи:
Х. Абдуқалилов

Босишга топшириш вақти – **22:00**
Топширилди – **00:50**

Газета офсет усулида, А-2 форматда босилди. Ҳажми 2 босма табоқ. Буюртма Ғ – **617**. 30062 нускада босилди. Нашр кўрсаткичи: **133**

Баҳоси келишилган нарҳда
Манзилимиз:
100165, Тошкент шаҳри, Бухоро кўчаси, 24-уй.
E-mail: xatlar@ishonch-doverie.uz

Газета ҳафтанинг сешанба, пайшанба ва шанба кунлари чиқади. Газета «Ishonch»нинг компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

«Shaq» наشريёт-матбаа акциядорлик компанияси босмаҳонасида чоп этилди.
Корхона манзили:
Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Таҳририят ҳисобрақами:
2021 0000 0004 3052 7001,
АТИБ «Ipoteka banka» Яншобод филиали, банк юди: 00959, СТИР: 201133889, ОКЗД: 58130